

ТЕАТРЛАРНИНГ МАДАНИЙ ҲАЁТДАГИ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШГА ДОИР ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, хусусан, театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Бу ҳақда ўтган йил 22 декабрда бўлган Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида айтилган эди. Мутасаддилар шу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди.

Унга кўра 2025-2030 йилларда театрларда “Миллий қаҳрамон” ва “Инсон қадри учун” мавзуларида 32 та туркум спектакллари яратиш таклифи етилмоқда.

Саҳна асарларини яратишда ижодий ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлаш, драматургия ва режиссёрлиқни янада ривожлантириш бўйича таклифлар билдирилди. Хусусан, театр драматурглари учун Махмудўжа Бехбудий, ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номлидаги мукофотларни таъсис этиш, “Нигох” ижодий лойиҳасини йўлга қўйиш, миллий академик мусика санъати бўйича композиторлар танловини ўтказиш таклифи етилди.

Маданият ва санъатнинг таълим билан узвий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, талабаларнинг театрларда амалий машғулотларини кенгайтириш, театр соҳасига оид илмий тадқиқот ишига буюртмалар бериш масалаларига алоҳида ўтказилиб ўтилди.

Театр актёр ва режиссёрлари, театршунос ва санъатшуносларнинг маҳорат мактаблари ҳамда театр танқидчилари ва драматурглар клуби ташкил этилиб, уларнинг фаолияти қўллаб-қувватланади. Ҳар йили нодавлат театрларга ҳам давлат буюртмаси берилади.

Умумий ва олий таълим муассасаларида ҳаваскор театр жамоалари тузилиб, улар ўртасида танловлар ўтказилади. Ёшларни театрларга доимий ташрифларини назарда тутувчи “Театр — ибратхонадир” дастури амалга оширилади.

Келгуси йилдан Ўзбекистон театри жамоаларининг миллий рейтингини тузилади. Худудлардаги театр бинолари мукамал таъмирланиб, замонавий технологиялар

асосида модернизация қилинади. Муқимий номлидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрга “академик” мақоми берилади.

Бундан ташқари, тақдиротда соҳа вакиллари рағбатлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилдан бошлаб маданият ва санъат, ахборот-кутубхона ва музейлар соҳасида фаолият олиб бораётган ходимлар иш ҳақи миқдорлари оширилиши белгиланди.

Моддий манфаатдорлик ходимнинг иш самарадорлиги (КР) кўрсаткичларига боғланади. Унда аҳолига маданий хизмат кўрсатиш, айниқса, олис ҳудудларга гастроллар уюштириш, янги асарлар яратиш, иқтидорли ёш ижодкорларни излаб топиш каби мезонлар инobatта олинади.

Шунингдек, 2025 йилдан бошлаб Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри ходимларининг иш ҳақлари оширилиб, муносиб моддий рағбатлантирилади. Оркестр жамоаси томонидан давлат буюртмаси асосида ҳар йили янги мусиқий асарлар яратилади, маҳоратли дирижёр, оркестр ижрочиларининг маҳорат мактаблари фаолияти йўлга қўйилади. Оркестр жамоасининг туртимиз ҳудудлари ва хорижий гастроль сафарлари, йирик корхона ва ташкилотлар ходимлари учун концерт намойишлари ташкил этилади.

Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари томонидан маданият ва санъат таълимининг янги босқичга кўтариш масалалари бўйича ҳам алоҳида топшириқлар берилди. Хусусан, иқтидорли ёшларни барвақт аниқлаш, саралаш ва ўқитиш борасида яхлит тизим яратиш, шунингдек, умумий ўрта, мактабдан ташқари, касбий, олий таълим ташкилотлари ҳамда маданият ва санъат тизимидаги таълим муассасаларида ўқув режалари ва дастурларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲУДУДЛАР РАВНАҚИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда Хоразмда тадбиркорлик, агросаноат ва хизматлар ишчи ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг йил бошидаги амалий ташрифи ҳамда унда белгиланган вазифалар бунга қўшимча суръат бағишлади.

Вилоятга келгуси йил 1,5 миллиард доллар инвестицияларни жалб этиш режалаштирилган. Бу қўллаб қорғоналар, иш ўринлари ва турмуш фаровонлигига асос бўлади.

Масалан, Қўшқўпир туманида 175 гектар

ер саноат зонасига қўшиб берилса, 1 миллиард долларлик лойиҳаларга йўл очилади. У ерда электротехника, кимё, машинасозлик ва фармацевтика йўналишида 2 мингта иш ўрни яратилади.

Шовот каналининг ҳимоя зонаси 50 метрдан 25 метрга қисқартирилса, 30 миллион долларлик лойиҳаларни жойлаштириш мумкин бўлади. У ерда 1 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилиб, 2,5 мингта янги иш ўрни очилади. Газовот ва Полвон каналлари атрофида ҳам

50 миллион долларлик лойиҳалар учун имконият бор.

Қишлоқ ва сув ҳўжалигида ҳам омилкорлик зарур. Масалан, Қўшқўпирда паррандачилик, Богот туманида баллиқчиликни кенгайтириш учун шароит етарли. Янгиариқда сув таъминотини яхшилаб, поли, шולי ва балиқ етиштириш ҳисобидан 1,2 минг кишини иш билан таъминлаш мумкин.

Ижтимоий соҳада ҳам таклифлар кўп. Хусусан, сифатли таълимга эҳтиёж юқори.

Шу боис 44 та мактаб ва боғчани таъмирлаш, давлат-хусусий шериклик асосида янгиларини қуриш режалаштирилган. Шунингдек, Урганч, Богот, Шовот ва Янгибозор туманларида кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни мужассам қилиб, қарор лойиҳаси тайёрлаш бўйича кўрсатма берди. Имкониятларни натижага айлантириб, одамларни иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш муҳимлигини таъкидлади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Худудларни ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар натижа-сида бу воҳада ҳам кенг имкониятлар очилмоқда. Келгуси йилда Сурхондарёга 2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, 425 минг аҳолини банд қилиш ва экспортни 320 миллион долларга етказиш режа қилинган.

Масалан, “Айритом” халқаро савдо зонасида бир ойда ўртача 5 миллион долларлик махсулот сотилипти. Унинг ҳудуди 150 гектарга кенгайтирилса, яна 250 миллион долларлик лойиҳаларга жой бўлади.

Хитойлик инвесторлар Боботог ҳудудидаги мис ва қумш қонларига 2,7 миллиард доллар инвестиция киритиб, 2 минг иш ўрни яратиш таклифи қилипти. Бунинг натижасида йилга 600 миллион долларлик тайёр махсулот экспорт қилиш имконияти яратилади.

Шерободнинг Вандоб ва Чорбоғ

ҳудудлари эса вольфрам, қўмир, ош тузи, кварц қуми каби табиий ресурслар захирасига бой. Бу қонларга 320 миллион доллар инвестиция жалб қилиб, 1,5 минг иш ўрни яратиш мўлжалланган. Бандихон туманидаги 50 гектар майдонда Термиз эркин иқтисодий зонасининг филиалини очиш режалаштирилган.

Қишлоқ ҳўжалигида ҳам ишга солинадиган имкониятлар кўп. Масалан, Бойсун ва Узун туманлари табиати каврак етиштириш учун қулай. 18 минг гектар яйлов ва ўрмон ерлари шу мақсадда аҳолига берилса, 4 минг одамнинг бандлиги таъминланади. Узун, Шўрчи ва Қўмқўрғондаги ҳудди шундай ййловларда қўйчилик ва қорамолчилик мажмуаси ташкил этиш мумкин.

Музработдаги 17 та коллекторда ййгиладиган сув қарийб 4 минг гектарда шולי етиштириш имконини беради. Бу орқали ййилга 8,5 минг тонна гуруч олинади, 400 нафар

одам доимий, яна 4,5 минг нафари мавсумий иш билан банд бўлади. Қизилқум туманида 300 гектарда иссиқхона, Олтинсойда 1 минг гектарда ўзимзор ташкил этиб, бозор-боп махсулотлар етиштириш ҳам яхши иқтисодий самара беради.

Сангардак, Омонхона, Бойсун ҳудудида туризм шароитларини яхшилаб, кампада 1 миллион сайёҳни жалб қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Ййғилишда Сурхондарё вилояти ҳокими шу каби имкониятларни яхши солиш бўйича режаларни тақдимот қилди.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш, қонлар негизда тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш, савдо ва хизматларни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берди. Деҳқончилик учун ажратилаётган ҳар бир майдон аҳоли бандлиги ва озик-овқат ҳавфсизлигига хизмат қилиши кераклиги таъкидланди.

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ОДИМЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчи Сума Чакрабарти билан учрашув ўтказди.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини жорий ййлги давлат дастури доирасида амалга оширишнинг ҳолати ҳамда келгуси ййлда ислохотларни янада илгари суриш истиқболлари қўриб чиқилди.

Давлат бошқарувида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни доирасидаги кейинги қадамлар муҳокама қилинди. Миллий қўнчиликни ЖСТ қондалари ва талаблари билан уйғунлаштиришни

жадаллаштириш, шунингдек, мамлакатнинг глобал рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича ишларни давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз режалаштирилган барча лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, стратегик ислохотлар кун тартибини янги ташаббуслар билан, айниқса, мамлакатимизда эълон қилинган Атроф-муҳитни асраш ва «яшилқисодиёт» ййлидаги вазифаларни ҳисобга олиб янада бойитиш муҳимлигини таъкидлади.

Ў.А.

«ЙЎҚОТИЛГАН ҚАЛБ»ЛАР ИЗИДАН

Қўлимда “Халқ сўзи” газетаси. Икки саҳифа тўла суҳбат. Ҳўкиб чиққанимдан буён тикилиб, ўйга толиб ўтирибман. Унда Германиянинг нуфузли “Berliner Zeitung” нашрида сиёсий шарҳловчи, нашрининг Геосиёсат бўлими раҳбари жаноб Томас Фасбендер билан ўзбекистонлик сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “Ўзбекистондан “Янги Ўзбекистон”гача: йўқотилган қалбни излаб...” сарлаваҳали суҳбатнинг она тилимиздаги матии эълон қилинган.

■ Акс садо

Бир кун аввал “Ишонч” газетасида ҳам чоп этилган эди бу мақола. Икки кундан бери безовтаман. Ҳаёл ғоқ мозиёнинг олис ғўшаларига, гоҳ ташвишларга тўла келажак қўчаларига етказилди. Саволлар бир-бирини қувиб-қувалаб келаверди, нўжон ўйнайди, тинч қўймайди.

“Йўқотилган қалб”... Кимнинг қалби эди у? Кимларнинг қалби эди? Нега йўқолди? Йўқолгани ё йўқотилгани? Синдимми ёки синдирилдимми? Ким синдириди? Нега синдириди? Кимларга ҳалақит берди бу қалб? Нега синдириган зўравонларга индамадик? Еқасидан олмадик? Тумшуғига солмадик? Нега? Нега?!

Мақолада мамлакатимизнинг яқин ўтмиши, бугуни, келажаги ва минтақадаги сиёсий эвриқиллар ҳўкида сўз бораётган эса-да, яқин орада бу қадар мукаммал, салмоқли, қамровли суҳбатга дўч келмаганим учунми, билмайман, кўз юмсам: гишга, тошга, темпирга уриб-ўзавериб синдирилган қалблар, синган парчаларни нағалии этик товонларидеа зииб-зизилаб, келилардаа тўйиб, тегиримонларда янчиб, тўбсиз қудўқ тўларига иттиқатётган қандайдир қора нусхалар пайдо бўлавереди.

Кейин Жануб билан Шимолни, Фарб билан Шарқни боғлаб турувчи нуқтада жоилашган қадимий заминнинг зардуштийлардан-да нариларга ўтиб кетадиган тарихи, шу ўлкада туғилиб, ўсиб-ўлғайиб дўнэ тамаддунига бекиёёс ҳисса қўшган ва икки буюк Ренессансга асос солган улўғ боболаримизнинг доншиманд қийёфалари...

Кейин — ўршулар тўқнашувларга аралаш-қуралаш бир ярим аср давомидеа икки марта мустамлакачилик зулмини бошидан кечирган одамлар...

Кейин — ўтган асрнинг 70 — 80 ййилларида авж олган совет мафқураси ва унинг тасирида миллий ўзлиқни йўқотиб, унинг ўрнига гибрид-дургағи дейилимиш ўзининг кимлигини аниглаб бўлмайдиган бетайин миллатни пайдо қилишга бўлган ўринишлар...



Миллий ўзлиқ туйғуси, тарих ва анъаналарга қараш миллий ҳавф сифатида қабул қилинишлари... Эски тузумдан қолган гуманистлик тўқима ёки совет “мақони”дан қўчириб ўтилган қадриятлар — “халқлар дўстлиги”, “байналмилаллик”, “кўп миллатли халқ” деган тушунчаларга зўр беришлар...

Мустақиллигимиздан кейин ҳам бу ботқокдан қутилиш нақадар қийин бўлаётгани-ю, эски мафқуравий тутумларга “содик”лар таъсирида сиёсий элпизда ҳозир ҳам ўз “кимлиги”ни аниглаб олиши қийин кечаётгани...

Нега, ҳатто мустақилликка эришганимиздан кейинги 25 ййлда ҳам қийин кечди бундай қусурларни елкадан итқитиб ташлаш?

Олмон журналисти Томас Фасбендер жанобларининг шу мазмундаги саволларига ўзбек сиёсатшуносининг жавобларини аниқ ва лўнда:

“Давлат ижтимоий-мафқуравий секторда ҳудди иттифок замонларидагидек қаттиқ қўл ва ягона “ўйинчи”га айланди. Битта фарқи, у мафқурасиз эди, ҳолос. Ва айнан ўша 90-ййларнинг бошида воз кечилган коммунисттик мафқура диктати ўрнини ҳар қандай янги гоа ва фикр бобисия эгаллаб олди”.

Натижада жамиятнинг на туркий, на исломий мансублиқка алоқадор эканини ўқарларча кечлаш қўринди. Йўқотилган қалблар яна панада қолаверди.

“Мустақилликдан кейинги миллий давлат ва миллий жамият барпо этишининг бундай ўзига хос муҳофазакор йўлини нафақат ички сиёсий мувозанат, балки ташқи, хусусан, минтақавий сиёсат траекториясида ҳам терс бурилишга, ўз қобилига ўрғалиб қолишга олиб келди, — деб давом этади Қудратилла Рафиқов. — Биз бир давлат ва миллий жамият ўларок, ён қўшилари-миздан ажралиб қолдик”.

Натижада Евроосиёнинг марказида жоилашган минтақанинг энг ййрик ва барча жиҳатдан таъсир қучига эга мамлакат маълум маънода ёпиқ ва дунёдан узилган давлатга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев иқтидорга келиши ҳудди шундай ҳам глобал, ҳам минтақавий ва маҳаллий инқирозлар авж олган таҳликалар замонига тўғри келди.

Гоят огир ва мураккаб жараёнда Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, халқпарвар ва миллатпарвар сиёсати, шунингдек, минтақа миқёсидаги ташаббуслари ва уларнинг натижалари таҳлил қилинган мақолани ўқиган сайин “йўқотилган қалблар” фожиасининг асл сабабларини аниглаб бораверасиз.

Сиёсатшунос Туркистон халқлари озодликка эришганидан сўнг сув, чегара, этник салмоқ талашувлари сингари турли тушунмовчиликларга дўч келингани, баъзан хафагарчилик ва норозиликлар қонли мижораларга ҳам айланиб кетгани, минтақа жамиятларида миллий давлат ва миллат қурилиши жараёнлари айнан советча усулда — бир-бирини инкор этиш, ўчакшиш йўлида кечгани боис одамлар бир-бирига ва келажакка шўбжа билан қараш пайдо бўлгани каби қусурларни қўчур афсус билан қайд этгани. Қайд этади ва Президент давлатни қоронғи ўрмондан олиб чиқиш йўлида қанчалар машаққат чекаётганини аниқ фактлар асосида кўрсатиб беради.

Энг аввало, Шавкат Мирзиёев ташаббули билан ён қўшилари-миз — тожиқ, қирғиз, қозоқ, туркман халқлари ўртасидаги “деворлар” бузиб ташланди.

Сиёсатшунос суҳбатда Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон деярли ййгирма ййл Тошкентга қадам босмагани, тез-тез сиёсий ўзгаришлар амалга ошиб турадиган яна бир қўшимиз Қирғизистон билан алоқаларини ҳам бундан пеш бўлмаганини айтди.

Ха, “Сен зўрми, мен зўр?” қабилидаги мутлақо зарарли тортишувларга қўнжиб қолганди минтақа лидерлари. Президентнинг қатъий ҳаракатлари туфайли қўшнлар ўртасидаги музлар эриди, бордини кендилар изга тушди, иқтисодий, маданий алоқалар қучайди. Шу ҳаракатлар натижасида 2018 ййлда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат кенгаши иш бошлади. Қадим Туркистон заминининг халқлари барча жаҳада яна бир-бирларини қўллаб-қувватлай бошладилар. 2019 ййлда Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)га аъзо бўлди. Жаҳон минбарларида ўз сўзига эга бўлди.

“Ўзбекистоннинг давлат сифатида миллий “ким”лигидан бўлак ҳамма нарсаси бор эди, — давом этади сиёсатшунос. — Унинг қалби — ўзлиги йўқ эди. У бир асрдан олинғи вақт нари “сугуриб” олинган қалбини қидираётган эди”.

Президентнинг тарихда илк бор БМТ минбаридан туриб ўзбек тилида нутқ қилиши “йўқотилган қалб”нинг қайтадан дунёга келишига баробар ҳодисага айланди.

Суҳбатда тилига олинган ўзгаришлар асосида

давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қўнчилик палатаси ва Сенатининг шу ҳафта бўлиб ўтган ййилишларида тилга олган рақамлари эсимга тушди. Қаранг, сўнгги ййилларда иқтисодиётимиз 2 қарра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий марарни эгаллади. Аҳоли жон бошига даромад 2018 ййлда 1 минг 600 доллардан 3 минг долларга етаётди. Жаҳон банки 2024 ййлда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодиёти энг тез ўсаётган 3 та давлат қаторидан жой олганини эътироф этди. Камбағаллик даражаси сўнгги 4 ййлда 23 фоиздан 11 фоизга тушди. Бу ййл яна 106 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, 9 фоизга тушиши қўтилимоқда.

Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 млрд. доллардан, олтин-валюта захираларимиз эса 40 млрд. доллардан ошди. Ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ҳаҳми 1,5 қарра ўсиб, 83 млрд. киловатт-соатга етди. Ўтган даврда 25 мингдан зиёд хусусий боғча, 70 га яқин нодавлат олий ўқув юрталари ташкил этилиб, қамров мактабгача таълимда — 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошди.

Олдимизда турган вазифалар янада катта. Яқин ййилларда аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш, камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириш, ҳар ййли 150 минг квартиралар янги замонавий уй-жойлар барпо этиш, туристар оқими-ни беш ййлда 15 миллион нафарга етказиш... Ай-тишга осон, аммо бу рақамларнинг ҳаҳмаси аниқ ҳисоб-қитобларга асосланган, ҳаҳмасининг аниқ манбаи, ижро тизими мавжуд.

Президентимиз маърузаларидаги бундай улғовор режалар 7-8 ййл давомидеа амалга ошириб келинаётган қўнжкорлик ишларининг давоми экани билан кўнгиёларни ифтихор туйғуларига тўлдирди. Ва яна... Миллионлаб “йўқотилган қалб”ларнинг қайтадан дунёга келишига сабаб бўлади. Олмон журналисти Томас Фасбендер ўзбек сиёсатшуноси Қудратилла Рафиқовдек ўнлаб иқтидор эгаларини қайта-қайта суҳбатларга қорлайди хали.

Мен Қудратилла Рафиқовнинг бундан бошқа мақола ва китобларини ўқиганман. Унинг ҳаҳма асарлари Ватан ва миллат ҳаҳида, Ватан ва миллат бахти-саодати учун жонини фидо қилишга тайёр раҳбар ҳаҳида.

Ўзбекистондан “Янги Ўзбекистон”гача: йўқотилган қалбни излаб...” эса мазкур ййналишда алоҳида аҳамиятга эга. Бу суҳбатни хорижий тилларга таржима қилиш, алоҳида рисола шаклида нашр этиш, барча мактабларга, олий ўқув юрталарига, кутубхоналарга ва ҳар бир раҳбарга етказиш лўзим.

Зотан, бугунги аввал “йўқотилган қалб”ларни таниши, билиши, сабоқ олиши керак.

Абдусамд КўЧИМОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Мулоқот

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ШАФФОФ ВА АДОЛАТЛИ ЎТГАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Санкт-Петербург шахрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) иштироки давлатларининг Парламентларо Ассамблеяси (ПА) Кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламентимиз делегациясини ҳам иштирок этди.

Ташрифнинг биринчи қунида делегациямиз вакиллари Кенгашнинг ташкилий масалаларга қаратилган мажлисида қатнашди.

МДҲ давлатлари ПА Кенгаши аъзолари томонидан Ўзбекистонда парламент сайловининг демократик тамойилларга мос равишда шаффоф ва адолатли ўтгани эътироф этилди. Сиёсий тадбирда сайловчиларнинг 75 фоизининг фаол иштироки, шунингдек, депутатларнинг 38 фоизини аёллар ташкил қилгани минтақадаги энг юқори кўрсаткич эканлиги алоҳида тилга олинди.

Сенат Раиси сайлов жараёналари қузатувчилар гуруҳи вакилларига ҳолис фикрлари ва тавсиялари учун миннатдорлик билдирди. Улар берган тавсиялар қучур ўрғанилиши, амалиётга татбиқ этилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ташриф доирасида Беларусь Республикаси Миллий мажлиси Кенгаши Раиси Наталья Кочанова билан учрашди.

Мулоқот аввалида Н. Кочанова Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайлови жараёнлари муваффақиятли яқунлангани ҳамда Т. Норбоевани Сенат Раиси лавозимига қайта сайлангани билан самимий табриклади.

Учрашувда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, парламентларо алоқаларни мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида келаси ййли Ўзбекистон делегациясининг Беларусь Республикасига амалий ташрифи доирасида ўтказиладиган кўзда тутилган икки мамлакат халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари иштирокидаги ҳудудларо форум, Ўзбекистон — Беларусь аёллар III бизнес форуми ҳамда Ёшлар парламенти қўшма ййгилишининг ташкилий масалалари ҳам қўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР
БИЛАН ҲАМКОРЛИК
ЯНАДА ЖАДАЛЛАШАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова иштирокида халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши котибияти ҳамда меҳнат жамоаларида учрашувлар ташкил этилди.

Учрашувларда Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати биринчи мажлисидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслар ва устувор вазифалар мазмун-моҳияти халқ вакиллари ва кенг жамоатчиликка етказилди ҳамда уларнинг бугунги кундаги аҳамияти атрофлича очиб берилди.

Жумладан, конституциявий ислохотлар натижасида Сенатнинг таркиби ихчамлашгани, лекин сенаторлар ваколатлари ва масъулияти бир неча қарра оширилгани айтиб ўтилди.

Хусусан, юқори палатанинг парламент назорати ва бир қатор муҳим давлат органларини шакллантиришдаги иштироки сезиларли даражада кенгайтирилди.

Учрашувларда қайд этилганидек, эндиликда сенаторлар назорат тадбирларида ёки сайловчилар билан учрашувларда қонунлар ижроси жараёнида муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ ваколатга эга бўлди

ҳамда янги тахрирдаги Конституция- нга кўра Сенатга қонунчилик тақли- фини киритиш ҳуқуқи берилди.

Мулоқотлар асносида келгусида ҳам қонунлар қабул қилинишида ҳудудлар манфаатлари инобатга олиниши ҳамда халқчил ва аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қиладиган қонунлар ишлаб чиқи- лишга доимий эътибор қаратилиши таъкидланди.

Шу маънода, бундай қонунлар ишлаб чиқишида маҳаллий Кен- гашлар депутатлари ҳам фаол иш- тирок этиши, қонунларнинг жойлар- да аҳоли ҳаётига ижобий таъсири- ни таъминлаш юзасидан долзарб тақлифларни билдириб бориши за- рурлиги ургуланди.

Учрашувлар давомида маҳаллий Кенгашлар билан Сенат ҳамкорли- гини янги босқичга кўтаришга доир фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди.

«Халқ сўзи».

ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛЛИК ВА
ФАОЛЛИК АСОСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури муҳокамасига бағишланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисидаги нутқи давлатимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида тарихий аҳамиятга молик ҳодиса бўлди.

Муносабат

Унда мамлакатимиз риво- жи стратегияси, жамиятнинг барқарор равнақи, давлати- мизда рўй бераётган жараён- лар ҳамда ҳозирги ва кела- жак авлоднинг юксак турмуш даражаси сифатини таъмин- лашга қаратилган чуқур таҳлилга асосланган серқир- ра мулоҳазалар илгари сурилди.

Дарҳақиқат, Президент то- монидан уч кун давомида янги Ўзбекистонни қуришга қаратилган катта марралар, уларга эришиш бўйича олди- мизда турган аниқ вазифа- лар оддий, равои тилда ту- шунтириб берилди. Унда кўтарилган ташаббуслар, белгиланган марралар ҳам кўлами ва миқдоси бўйича миллий давлатчилик тарақ-

қиётида туб бурилиш ясай- ди, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим даврни бошлаб беради.

Биринчидан, камбағал- ликни қисқартириш бўйича Ҳукумат олдида жуда катта вазифалар қўйилди. Бу бо- радаги дунё давлатлари сиёсий етакчиларининг дастурлари, ташаббуслари таҳлилий ўрганилганда, ҳеч бир давлатда, ҳатто иқтисо- диёти анча ривожланган давлатлар раҳбарлари ҳам бундай оғир ижтимоий ма- сала бўйича ташаббус қилишга ҳам журват этма- ган. Кўп давлатларда бу ма- сала билан зимдан шуғул- ланишарди. Шу муаммо бор- лиги давлат бошлиқлари то- монидан таъмин олинмади,



чунки бу сиёсий жиҳатдан дивиденд олиб келмайдиган мавзудир.

Шу маънода, Президентимиз томонидан ушбу маса- ла бўйича барча сиёсий масъулиятнинг ўз зиммаси- га олиниши, катта-катта ҳаётий масалаларга доир халқчил ташаббусларнинг илгари сурилиши, барча масъулларни шу масала ат- рофида бирлаштириб, тин- май ҳаракат қилинишининг ўзи — улкан жасорат ва қаҳрамонлик.

Қолаверса, Ўзбекистонда бошқа давлатлар учун наму- на ва ўрнак бўлишга арзий- диган ҳақиқий халқчил та- шаббуслар ортиб бораётга- нининг ёрқин исботидир.

Иккинчидан, вазирлик ва

идоралар раҳбарларининг ўринбосарларини Қонунчи- лик палатаси қўмиталари билан ҳамкорлик учун масъ- ул этиб бириктириш бўйича тақлиф этилаётган тизим Ҳукумат ва Қонунчилик па- латаси ўртасидаги ҳамкор- ликни янги босқичга олиб чиқади. Жойларда кўтарил- ган масалаларни кўриб чи- қишда ҳамда уларни ўрнида бартараф этишда ижобий таъсир кўрсатади.

Ўз навбатида, мазкур ян- гиланишлар давлат бошқа- руви тизимининг самара- дорлигини оширишга қара- тилгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, янги Ўзбекистонда демокра- тик давлат бошқаруви тизи- мини ислоҳ қилиш "Халқ давлат идораларига эмас, аксинча, давлат ташкилот- лари халққа, унинг қонуний манфаатларини таъминлаш- га хизмат қилиш зарур" де- ган юксак ғояга асосланган ҳолда амалга оширилаётга- нидан далолат беради. Бу эса аҳоли муаммолари ҳамда ҳудудларда кўтари- лаётган масалаларни аниқ- лаш билан бирга келгуси ислохотларни белгилашда

ҳам муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Бундан ташқари, мазкур ташаббусларнинг ҳаётга тат- биқ этилиши давлат ҳокими- яти ва вакиллик органлари фаолиятининг самарадорли- ги, шунингдек, жойлардаги муаммоларни чуқур таҳлил этиш механизми ва давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият олди- даги масъулиятини ошириш- га хизмат қиладди.

Ушбу йўналишда биз, де- путатларнинг фаолиятимиз самараси халқимизнинг оғирини енгил қилиш, орзу- умидларини рўёбга чиқа- ришга қаратилган ишлар- нинг нақадар тўғри ташкил этилгани билан боғлиқ.

Зотан, фуқаролик жа- мияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш ҳамда барча муҳим парла- мент қарорларини бевосита халқ билан мулоқот асоси- да, жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда қабул қили- шимиз зарур ва долзарб ва- зифадир.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

ДУНЁ НИГОҲИ

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИГА
ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 18 — 20 ноябрь кунлари Ўзбекистон парламенти Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларидаги маърузалари хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ва эксперт доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Хорижий экспертлар мазкур воқеаларни шарҳлар экан, мамлакатда амалга оширилаётган демократик жараёнларга халқаро стандартларнинг жорий этилиши ўз самарасини бераётганини таъкидламоқда. Айни пайтда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўяётгани, мамлакат ўз олдида улкан, аммо амалга ошиши мумкин бўлган аниқ мақсадларни белгилаб олгани айтилади.

Абдулҳамид Ҳамид Абдулла ал-КУББЕЙ,
«Tanmiah Press» сайти бош муҳаррири, «Masarat Center for Strategy & Media» стратегия ва медиа маркази эксперти (Саудия Арабистони):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари мажлисларидаги нутқи мамлакат сиёсий ҳаётида тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бунинг сабаби улар сайловлардан кейин ва республикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берувчи янгиланган Конституция доирасида бўлиб ўтди.

Президент илк бор аралаш сайлов тизими асосида бўлиб ўтган сайловлар парламентнинг халқ вакилчилигининг асосий институти сифатидаги ролини кучайтиришда муҳим қадам бўлганини алоҳида таъкидлади. Янги тахрирдаги Конституцияда Олий Мажлисининг ҳар икки па- латасига катта ваколатлар бе- рилгани давлат бошқарувини янада самарали амалга ошириш учун замин яратмоқда.

Ўзбекистон етакчиси ўз нут- қида иқтисодий ўсиш, камба-



ғалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва инфратузилмани ривожланти- риш каби улкан мақсадларни белгилаб берди. Шунингдек, янги ҳукуматнинг замонавий технологияларни жорий қилиш ва иш ўринлари яратишга қара- тилган ҳаракат дастури ҳам тақ- дим этилди.

Хотин-қизлар ва ёшларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фа- оллигини кенгайтиришга алоҳи-

да эътибор қаратилди. Янги парламентда аёл депутатлар улуши 38 фоизга етди, бу эса тенглик ва инклюзивлик та- мойилларини мустаҳкамлашда муҳим қадамдир.

Ўзбекистон Президенти 2025 йилни "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили", деб эълон қилишни тақ- лиф этди. Ушбу қарор Ўзбекис- тоннинг экологик тоза техноло- гияларга ўтиш ва "яшил" стан- дартларни жорий қилишга содиқлигини таъкидлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлар малакасини ошириш, долзарб масалаларни самара- ли ҳал этиш имконини беради- ган парламент ва ҳукумат ўрта- сидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг янги механизмларини жорий этиш зарурлигини алоҳида ургуланди.

Бу ташаббуслар Ўзбекистон тарихида миллий ўзлиқни мус- таҳкамлаш, ижтимоий фаровон- лик ва халқаро жараёнларда фаол қатнашишга қаратилган янги босқич бошланиши белги- сидир.

Антонио АЛОНСО,
Сан-Пабло университети профессори (Испания):

— Олий Мажлис палата- лари мажлисларида қабул қилинган қарорлар ва бил- дирилган ташаббуслар Ўзбе- кистонни ривожлантириш- нинг аниқ стратегияси, ҳар бир фуқаро фаровонлиги ҳақида чуқур ғамхўрликдан далолат беради.



Абдулла Арипов номзоди- нинг Бош вазир лавозимига маъқулланиши ва ривожла- нишнинг устувор йўналишлар- ни белгиланишида изчил ҳамда истиқболли ёндашув муҳимлиги таъкидланган. Ай- никса, сўнгги йилларда иқти- содий ўсиш суръатларининг икки баробар ортиши, инвес- тиция ва замонавий техно- логияларнинг жорий этили- ши, жумладан, муқобил энер- гетиканинг ривожланиши каби ютуқлар жуда ҳайратла- нарли. Буларнинг барчаси Ўзбекистон барқарор ва эко- логик тоза тараққиёт сари дадил қадам ташлаётганидан далолат беради.

"Ўзбекистон — 2030" стра-

тегиясида белгилаб берилган мақсадлар шунчаки улкан ре- жалар эмас, балки аҳоли тур- муш даражасини ошириш- нинг реал асосидир. Ижти- моий инфратузилмани тако- миллаштириш, камбағаллик- ни қисқартириш, хусусий сек- торни ривожлантириш ва ин- новацион ечимларни жорий этиш келажақ авлодлар учун мустаҳкам замин яратди.

Атроф-муҳитни муҳофаза- лаш ва барқарор ривожла- нишнинг глобал тенденция- ларига мос келадиган "яшил" иқтисодиётни ривожланти- риш ташаббусига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда 2025 йилнинг "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили" деб эълон қилиниши мамлакат- нинг экологик масъулияти ҳамда келажақ учун табиий ресурсларга ғамхўрлик қилиш мажбуриятини тасдиқ- лайди.

Ҳукумат ва парламент ўртасидаги шафқат ҳамкор- лик, жамоатчилик назорати- нинг кучайиши, халқаро ало- қаларга эътибор қаратилган ислохотлар учун мустаҳ- кам сиёсий-ижтимоий асос яратди.

Уйлашимча, Ўзбекистон тараққиётининг мазкур янги босқичи, шубҳасиз, катта им- кониятлар ва ривожланиш даври бўлади. Ўзбекистон ҳукумати ва халқига қўйилган мақсадларга эришишда му- ваффақиятлар тилайман.

Фикр

Кейинги йилларда мамлака- тимизда миллий парламента- ризм тизимли ривожланиб бор- моқда. Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик па- латасидаги нутқида парламен- тнинг кейинги босқичдаги энг у- стувор йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, қонунларнинг сифати, уларни яратишда илм- фан ютуқларига таяниш, тўғри- дан-тўғри ишлайдиган норма- ларни қонунларда акс эттириш, жамиятдаги энг замонавий иж- тимой муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун янги қонунларни қабул қилиш, шу- нингдек, парламентнинг бюджет ижроси устидан назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



Шунингдек, Олий Мажлис фаолиятида стратегик масала сифатида мамлакатимизнинг асосий болиғи бўлган халқнинг хоҳиш-иродасини қонунчиликда акс эттириш, уларнинг ижроси- ни самарали назорат қилиш за- рурлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, парламен- т, депутатлар ким учун ишлаши, хиз- мат қилиши керак? Албатта, халқ учун, уларни сайлаган фу- қаролар учун! Қанчали, асосий мезон аҳоли манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ташвишга солаёт- ган ижтимоий-иқтисодий маса- лаларни ҳал этишга қаратилар экан, шундагина парламент том маънодаги "халқ уйи"га, давлат- нинг олий органига айланади.

Эътиборини тортган яна бир муҳим аниқлик, бу — давлатимиз раҳбарининг парла- ментда муҳолифатни янада жонлантириш бўйича илгари сурган тақлифи. Бу жуда муҳим ғоя бўлиб, бахс-мунозаралар орқали ҳақиқатни аниқлаш ҳамда адолатли қонун ва қарорлар қабул қилишга замин яратди.

Ҳозирги кунда амалдаги қонунчиликка кўра муҳолифат- нинг учта қафолатланган ҳуқуқлари мавжуд. Хусусан, "Сиёсий партиялар тўғрисида"- ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунининг 13'-моддасига кўра "Ўзини парламентдаги муҳоли- фат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутил- ган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик па- латаси масъул қўмитасининг те- гишли масала бўйича маъруза- си билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил тахрири- ни киритиш;

муҳокама этилаётган масала- лар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республи- каси Олий Мажлиси Қонунчи- лик палатасининг ялпи мажли- си баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати то- монидан рад этилган қонун бўйича қелишув комиссиясида ўз вакилларининг қафолатли иштирок этиши".

Муҳолифатнинг реал таъси- рини ошириш бўйича уларнинг юқоридаги қафолатланган ҳуқуқлари учтадан олтигага оширилиши жиддий сиёсий тақ- лиф бўлиб, буни амалий аҳамия- тга эга, деб ҳисоблайман. Чун- ки уларнинг ҳуқуқлари кенгайи- ши амалий фаолиятига ҳам ўзи- нинг таъсирини кўрсатади.

Айниқса, муҳолифатнинг бир нафар қўмита раиси ва икки на- фар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини қафолатли эгал- лаш, ҳар қоракда "Ҳукумат со- ати" ва парламент сўрови дои- расида жамиятимизнинг дол- зарб ижтимоий иқтисодий ма- салалари бўйича камида битта масала киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар берилиши ҳар қандай шароитда ҳам парламент фа- олиятида рақобат муҳитини ри- вожлантиради. Ўз навбатида, одамларнинг кундалик ташвиш ва муаммоларини ҳал этишда муқобил ечимлар билдирили- шига имконият яратди.

Парламентдаги бахс-муноза- ралар эса қонун ва қарорлари- мизнинг сифатига ижобий таъ- сир кўрсатади. Қонунлар, ўз нав- батда, жамиятдаги энг дол- зарб муносабатларни самара- ли ҳуқуқий тартибга солиш ор- қали фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга ва мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладди.

Шухрат ЁҚУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

МИНГЛАБ ОИЛАЛАРНИНГ ТУРМУШИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан Президент Администрацияси, Халқ қабулхонаси ҳамда қатор вазирлик ва идора вакилларидан ташкил топган Республика ишчи гуруҳи энг чекка, ижтимоий-иқтисодий ҳолати оғир ҳудудларда камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда жойларда киши мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан фаолиятини давом эттирмоқда.

Ҳозирги кунда Президент маслаҳатчиси Ғофуржон Мирзаев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри, Бекобод, Бўқа, Оқкўргон, Куйи Чирчиқ ҳамда Юқори Чирчиқ туманларидаги 246 та маҳаллада хонадонбай ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Президент Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар ҳамда ўрга-нишлар натижаси асосида ўтган бир ойдан зиёд давр мобайнида мазкур туманлардаги 348 та шароити оғир бўлган оилага моддий ёрдамлар кўрсатилди, 249 та оиланинг уй-жойлари таъмирланди, юзга яқин оилаларга турли асбоб-ускуналар хариди учун субсидия ажратилди. Шу билан бирга, 13 мингга яқин иш-

сиз фуқароларнинг бандлиги, 400 га яқин фуқароларга тадбир-корликни бошлаш ёки кенгайтириш учун 5 млрд. 738 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилиши таъминланди.

Мисол учун, Бўқа туманининг Гулистон кўчасида яшовчи Ақтам Жўраев ишсиз эди. Оилани камбағалликдан чиқариш мақсадида ўз томорқасида иссиқхона ташкил қилиши учун ишчи гуруҳ томонидан моддий кўмак кўрсатилди. Аини пайтда у оила аъзолари билан тўқсонбости экинлар эмкоқда.

Юқори Чирчиқ туманининг Усмонобод маҳалласида яшовчи Бехзод Жамолиддиновга рўзгорини ўнглаб олиши учун 30 сотих ер ҳамда хонадонида уч сотих иссиқхона ташкил

этиш мақсадида 10 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди, иссиқхона устига ҳомийлик ҳисобидан полиэтилен қоплама ҳам олиб берилди.

Туманининг Чумчуқжар маҳалласида яшовчи Наргиза Умар-кулованинг турмуш ўртоғи кутилмаганда вафот этиши аёлни уч нафар вояга етмаган фарзандлари билан оғир синовлар гирдобиди қолдирди. Бевосита Республика ишчи гуруҳининг моддий кўмаги билан у қийин-чиликларни енгиб, рўзгорини яхшилаб олди. Унга тикув машиналари ҳамда керакли матолар олиб берилди. Шу тариқа аёл нафақат ўзини, балки ишсиз кўшини аёлларни ҳам банд этишни мақсад қилиб, хонадо-нида кичик тикув цехи ташкил этишга киришди. Унга ҳомийлар томонидан кўшимча бино қуриб берилмоқда.

Баҳор маҳалласида яшовчи кўмакка муҳтож худди шундай оила вакиллари Фотима ва Зиёда Жўраевалар ҳам эътибордан четда қолмади. Зиёдага кредит, субсидия ва ҳомийлик асосида 3 та тикув машиниси олиб берилди. Рўзгориға барака кираёт-

ган аёл кўшни аёлларни ҳам ишга қилди. Аини пайтда Фотиманинг хонадони ҳомийлар томонидан таъмирлаб берилмоқда.

Бу хали ҳаммаси эмас. Бўқа туманидаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлашга мўлжалланган агрокластер ҳам бир неча йиллардан бери ҳудудда камбағалликни қисқартириш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиб келаёттир. Хусусан, кластерда 80 дан ортиқ доимий, 150 дан ортиқ мавсумий иш ўринлари мавжуд.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи кўра бир камбағал ва ишсиз оилага 1 гектардан ер ажратилган бўлиб, уларга экин экиш ва маҳсулотини сотишда маълум фермер ҳўжаликлари ва агрокластерлар кўмаклашмоқда. Шу жиҳатдан, агрокластер ҳам 35 дан ортиқ хонадонларга бепул кўчатлар етказиб берди ва улар томонидан етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари-ни харид қилиб, моддий жиҳат-дан кўмаклашиб келаёттир.

Мамлакатимизда тадбиркор-

лик субъектларига яратиб берилаётган шароитлар сабаб бугун янгидан-янги ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланмоқда. Натижада ўша ҳудуд ишсиз фуқаролари бандлиги таъминланяпти. Хусусан, Бўқа туманининг Бўстон маҳалласида ташкил этилган тикув-трикотаж корхонаси маҳалладаги 60 дан ортиқ камбағал оила хотин-қизларининг бандлигини таъминлади.

Шунингдек, Юқори Чирчиқ тумани Дархон маҳалласида дурадгорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган Айман Амриевага замонавий дастгоҳлар харид қилиш ва ишини кенгайтириши учун кредит олишига кўмаклашилди. Эътиборлиси, “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлиши ортидан энди у даромад солиғидан ҳам озод қилинди. Бундай имкониятлардан руҳланган хунарманд кўшимча иш ўринлари ташкил этишни мақсад қилган.

Республика ишчи гуруҳининг жойлардаги фаолияти давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Янгилик

МАМЛАКАТИМИЗ «КИМБЕРЛИ ЖАРАЁНИ» ХАЛҚАРО ОЛМОСЛАР АЙЛАНМАСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАШКИЛОТИГА ҚЎШИЛДИ

Шу йилнинг 12 — 15 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида “Кимберли жараёни” халқаро олмослар айланмасини назорат қилиш ташкилотининг 21-япги мажлиси бўлиб ўтди. Бу ҳақда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хабар берди.

Унга кўра ушбу мажлис доирасида Ўзбекистон Республикасининг “Кимберли жараёни”га қўшилиш бўйича мурожаати ижобий кўриб чиқилиб, ташкилотга қўшилган 60 давлат қаторига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди. Бунга жорий йилнинг октябрь ойида “Кимберли жараёни”да иштирокчи давлатлар Германия, БАА, Россия ва Беларусдан кузатувчилар ҳамда Бутунжаҳон олмос кенгаши вакилларидан иборат экспертлар миссиясининг Ўзбекистонга ташрифи асос бўлди.

Ташриф давомида экспертлар миссияси томонидан аъзолик билан боғлиқ тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш тизими, қимматбаҳо тошлар, шу жумладан, олмосларнинг таҳлилини ўтказиш учун Давлат асиглик даражаси назорати инспекциясида яратилган шарт-шароитлар, жаҳоннинг етакчи мамлакатларида ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлик даражаси алоҳида эътироф этилди. Республикаимизда “Кимберли жараёни”нинг минимал талаблари ортиғи билан бажарилгани бўйича экспертлар миссияси томонидан ижобий баҳо берилди.

Таъкидлаш жоизки, “Кимберли жараёни”га қўшилиш бўйича ишларни жадаллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 23 июлдаги “Заргарлик буюмларини ишлаб чиқа-

риш соҳасини янада ривожлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлди.

Маълумот учун: “Кимберли жараёни” — халқаро ҳукуматларро ташаббус бўлиб, унинг асосий мақсади ноқонуний йўл билан қазиб олинган, ноқонуний йўллар билан топиладан олмосларнинг жаҳон бозорига кириб келишига қарши курашиш. Ушбу ташаббус ишлов берилмаган қимматбаҳо олмослардан тушган маблагларнинг минтақавий низолар ва халқаро террористик гуруҳларни молиялаштиришга йўналтирилишига қаршилик кўрсатишни мақсад қилади.

“Кимберли жараёни” халқаро олмослар айланмасини назорат қилиш ташкилотига қўшилиши, миллий заргарлик саноати ишлаб чиқарувчиларини янада кўллаб-қувватлаш, олмосларни қайта ишловчи маҳаллий корхоналарни ташкил этиш, иш ўринларини яратиш ҳамда юрти-мизнинг бриллиант экспорт қилувчи давлатлар қаторида жаҳон олмос бозорига кириш орқали уларнинг халқаро бозордаги ҳуқуқларини таъминлаш имконини беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини янада яхшилаш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ТЎПЛАМИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан долзарб ва муҳим аҳамиятга эга юридик китоб — “БМТнинг жиноятчиликка қарши курашиш ва одил судловга оид халқаро шартномалари тўплами” нашр этилди. Бу ҳақда Миллий марказ расмий телеграм каналда маълум қилинди.



«Халқ сўзи».

Янги китоб

Ўзбек тилида нашрдан чиққан ушбу тўплам “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни кўллаб-қувватлаш йили”га амалга оширишга оид давлат дастурининг 96-мақсади доирасида белгиланган 14-вазифа ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқларини давлат тилига таржима қилиш орқали фуқароларнинг улардан хабардорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур тўплам Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини амалга ошириш

бўйича “Йўл харитаси”нинг 6-бандида белгиланган “инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя этиш масалаларига бағишланган амалий қўлланма, шарҳ ва услубий адабиётларни тайёрлаш ва нашр этиш” вазифаси ижросини таъминлашга ҳам ҳисса қўшади.

Тўпламдан БМТнинг жиноятчиликка қарши курашиш ва одил судловга оид жами 13 та халқаро шартномаси ўрин олган. Ушбу халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда адолат устуворлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Улардаги халқаро принципларнинг аксарияти миллий қонунчилигимизга татбиқ этилган.

Тўплам давлат органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, таълим муассасаларининг профессор ва ўқитувчилари, тадқиқотчилари, талабалар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлигини мустақамлаш масалалари билан қизқиқувчилар учун мўлжалланган.

Қулайлик

Ушбу чат-бот сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиб, ҳуқуқий масалалар ва давлат хизматлари бўйича тўлиқ тушунтиришлар тақдим этиш, шу орқали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнини енгилаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ҳўш, янги чат-ботнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Аввало, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш. Фуқароларга турли ҳуқуқий масалалар бўйича тезкор жавоб олиш имконияти яратилади. Чат-бот инсон аралашувисиз автоматик тарзда

қонуний тушунтиришлар ва амалий маслаҳатлар беради, бу эса мурожаатларни тезкорлик билан ҳал этишга йўл очади.

Шу билан бирга, давлат хизматлари бўйича йўриқномалар бериш, яъни давлат хизматлариға оид жараёнлар, талаблар ҳамда тартиблар ҳақида маълумот тақдим этилади, бу эса фуқароларга давлат хизматларидан самарали фойдаланиш имконини яратади.

Лойиха синов жараёнида бўлиб, унинг натижалари асосида келгусида чат-бот фойдаланувчилар қамровини кенгайтириш, унинг функционал имкониятларини янада бойитиш режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

ҒУЗОР БЕКЛИГИ ОБИДАЛАРИ ЭЪТИБОРГА МУЎТОЖ

Манбаларда қайд этилишича, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Ғузор беклиги Бухоро амирлиги тасарруфидаги энг ривожланган маъмурий манзиллардан бири бўлган.

Бу даврда Ғузор беклари томонидан ҳудудда катта ҳажмдаги қурилиш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Уларнинг бир қисми собиқ тузум даврида вайрон этилиб, йўқ қилиб юборилган. Қолганлари мустақилликдан сўнг маданий мерос объекти сифатида қайд этилиб, давлат муҳофазасига олинган. Шунга қарамай бу архитектура ёдгорликлари эътиборсизлик, ўз ҳолига ташлаб қўйилиши оқибатида бугун низоҳятда ачинарли аҳволга келиб қолган.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

«Бобомдан қолган мерос»

Ғузор беклигининг асосий кўргони Ғузордаё соҳилидаги тепаликда жойлашган. Бу ерда бекнинг яшаш жойи, бошқарув идораси ва бошқа турли зарур муассасалар бинолари бўлган. Ҳозир бу тепалик ва иморатлардан хабароблар қолган, холос.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ғузор беги (Абдумалик тура) томонидан қўргондан бироз қуйида ёзги чорбоғ ва унинг ёнида уй барпо қилинган. Манбаларда қайд этилишича, бу ер ўз вақтида жуда кўркам манзарли бўлган. Чорбоғга Ҳиндистондан манзарали даррахт кўчатлари келтириб экилган. Уй ёнидаги мрамар қопланган ҳовуз доимо кўм-кўк сув билан тўлиб турган.

Шу ерлик кескеларнинг айтишича, асосий қўргондан ёзги чорбоғга олиб келадиган ер ости йўли ҳам бўлган. Катта эҳтиmol, бу йўл хали ҳам бор. Фақат унинг кириш қисмларига тупроқ тўлиб ёпилиб қолган.

Бекнинг уйи архитектура жиҳатдан катта тарихий қийматга эга. Унда, айниқас, уймакорлик ва ганч санъатининг мураккаб ва ноёб усулларидан фойдаланилгани эътиборга молик. Шунга кўра, ушбу обида архитектура ёдгорликлари рўйхатиға киритилиб, давлат муҳофазасига олинган. Лекин бино эътиборсиз, қаровсиз қолдирилган. Натижада бир оила бу обидани ҳеч қан-

дай ҳужжатсиз “Бу уй бобомдан қолган мерос” деган иддао билан эғаллаб олган. Энди на туман ҳокимлиги, на Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси масъуллари ушбу оила аъзоларини тарихий ёдгорликдан кўчириб чиқаришнинг имконини қила олмаяпти.

Биз ҳолатга вилоят маданий мерос бошқармаси раҳбари Обиджон Ҳамидовдан изоҳ сўрадик.

— Тўғри, бу ерда анча вақтдан буён бир аёл фарзандлари билан яшаб келмоқда, — дейди у. — Биз уларга бу ер тарихий обиди эканини тушунтиришга, кўчириб чиқаришга кўп уриндик. “Ёш болаларим билан кўчага ҳайдаб чиқаряпти, уйсиз қолялпан”, деб дод солади. Аммо барибир чорасини топиб, бир муросага келишимиз керак.

Шу ердаги тарихий бог ҳам қарийб 10 йилдан буён турли ташкилотлар, тадбиркорлар ўртасида талаш. Натижада бир пайтлар шаҳарнинг кўрғи бўлган бу бог аста-секин ўз тароватини йўқотиб, оддий ташландиқ манзилга айланиб бормоқда.

Тўкилиб бораётган обихона

Ғузор шаҳрининг Ҳўжагузар маҳалласи ҳудудидаги йўл бўйида гавжум савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчлари жойлашган. Уларнинг қаторида ҳудуддаги тадбиркорлардан бири анча йилдан буён омборхона, дўкон сифа-

тида фойдаланиб келаётган яна бир бино бор. Усти гўмбаз шаклида ёпилган ушбу бино ва унинг ёнидаги минорани кўрган киши дарҳол бу икки бинонинг тарихий обиди эканини англайди.

Манбаларда келтирилишича, Бухоро амира Амир Шоҳмурод ўз вақтида Ғузор беклигида масжид ва мадраса қурдирган. Тахминларга кўра, амир қурдирган масжид худди шу ҳудудда бўлган ва мазкур обихона (тахорат олинадиган жой) ва азон минораси ҳам унинг ёнида барпо этилган.

Мустақилликдан сўнг ҳар икки обиди давлат муҳофазасига олинган. Бироқ бу уларни талафотларсиз сақлаш, келажак авлодларга-да етказиб бериш кафолатини бермаиди. Чунки ҳар икки обиди таъмирмга, қаровга, назоратга муҳтож.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 ноябрдаги “2013 — 2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорида мазкур меъморий мажмуанинг 2014 йил сентябрь ойига қадар таъмирланиши кўзда тутилган бўлиб, бу борадаги ишлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган эди. Аммо режадаги ишлар қоғозда қолиб кетди. Шу ҳусусда туман ёки вилоят ҳокимининг эмас, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниб, махсус дастурлар тузиб чиқилган, ҳатто қаердан қанча маблағ ажратилиши, ким масъул эканига қадар белгилаб берилган бўлса-да, унинг ижроси таъминланмади.

Айни пайтда обихона вилоят маданий мерос бошқармаси масъуллари томонидан ҳудуддаги тадбиркорлардан бирига савдо дўкони сифатида фойдаланиш учун бериб юборилган. Тарихий минорани ҳам кўшни хонадонларнинг қурилишлари ҳар томондан қуршаб бормоқда...

Аросатдаги «Авғонбоғ»

Обихона ва минорадан ўтиб, бироз жануб томонга юрсангиз, йўл бўйида-

ги икки қаватли яна бир тарихий обидида дуч келасиз. Аҳоли “Авғонбоғ” мадрасаси деб атайдиган бу бино ҳам Ғузор беклигининг сўнгги йилларида, аниқроғи, 1913 йилда барпо этилган.

Мадрасанинг биринчи қават саҳни атрофида тўртбурчак шаклда 24 та хўжра жойлашган бўлиб, иккинчи қаватга чиқиш учун зинапоялар бор. Иккинчи қаватда 7 хўжра жойлашган. Ҳар бир хўжра тепасида алоҳида анъанавий паст гўмбазлар мавжуд.

“Авғонбоғ” мадрасаси ҳам давлат муҳофазасига олинган. Ҳукуматнинг 2013 йил 1 ноябрдаги тегишли қарори (айни пайтда кучини йўқотган)га асосан мазкур мадрасани ҳам реставрация қилиш режалаштирилган. Бунинг учун турли манбалар ҳисобидан

“Албатта, тарихий ёдгорликдаги ҳозирги озодалик, саришталик ҳам киши кўнглини хушнуд этади. Лекин барибир бу бинони сақлаб қолиш, келажак авлодларга-да бус-бутун етказиб бериш учун уни белгиланган талаблар асосида реставрация қилиш зарур. Боиси бунинг аини вақтдаги ҳолатини кўрган киши унинг таъмирга эҳтиёжи юқорилигини дарҳол ҳис қилади.

100 минг доллар эквивалентида маб-лағ сарфлаш кўзда тутилган эди. Бироқ бу ишлар амалга ошмаган, натижада кўп йиллар давомида мазкур обиди ҳам чиқиндиҳонага айланиб қолган эди.

Бу йил туманининг Батшо маҳалласида яшовчи Нодир Самадов мадраса биносини ҳамкорлик шартномаси асосида вақтинча фойдаланиш учун олиб, бу ерда келин-куёвлар айланиб, турли фотосессиялар уюштириши учун шарт-шароит ҳозирлабди.

— Утган вақт давомида бино ва унинг атрофини чиқиндилардан тозаллаб, миллий хунармандчилик маҳсулотлари, турли тарихий буюмлар ёрдамида ўзгача манзара яратдим, — дейди



зарур. Боиси бинонинг аини вақтдаги ҳолатини кўрган киши унинг таъмирга эҳтиёжи юқорилигини дарҳол ҳис қилади.

Мухтасар айтганда, кимдир бу биноларни белгиланган талаблар асосида сақлаш, таъмирлашга ортиқча муаммо, ҳаражат манбаи сифатида қараши мумкин. Аммо уларнинг тарихий қийматини билганлар учун бу — катта буюм.

Тасаввур қилинг, биз санаб ўтган обидаларнинг барчаси бир жойда — туманининг Ҳўжагузар маҳалласи ҳудудида жойлашган. Бу ҳудудда худди шундай яна қатор тарихий обидалар, манзиллар бор. Уларни таъмирлаш, бу ерда сайёҳлар учун керакли шарт-шароитларни ташкил этиш орқали шаҳарнинг тарихий қиёфасини яратиш, жуда катта туристик мажмуа ҳосил қилиш мумкин. Бу ҳудудга ҳар йили минглаб сайёҳлар ташрифи даромад манбаи дегандир. Фақат бунинг учун кимдир бoш қотириши, шунга интилиши зарур. Айни пайтда туман масъулларини бундай режалар қийнамаётгани ажабланарли.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар
ТАФСИЛОТЛАРСпортчилар
эсдалик нишони билан
тақдирланди

Президентимизнинг тегишли қарори билан тасдиқланган Прокуратура органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси доирасида Бош прокуратурада навбатдаги маърифат тадбири ўтказилди.

Унда Париж шаҳрида ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятга эришган спортчиларимиз Баҳодир Жалолов, Светлана Осипова ҳамда Улугбек Рашитов қатнашди.

Учрашувда янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда обрў-этиборини ошириш, ёш авлодни она юртва муҳаббат, миллий ғурур ҳамда ифтихор туйғуларини руҳий тарбиялаш, аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшаётган спортчиларимиз Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли буйруғи билан "O'zbekiston prokuraturasi 30 yil" эсдалик нишони билан тақдирланди.

Илғор тажриба
оммалаштирилади

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида умумтаълим мактабларида мусика, жисмоний тарбия ва ҚКБТ фанларини ўқитишни ривожлантириш, малака синовлари якунлари ҳамда "Жаҳидлар изидан" танловининг худудий босқич жараёнларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Тадбирда вазир Х. Умарова мактабгача таълим тизими раҳбар ва ходимлари малакаси ҳамда тизим самарадорлигини янада ошириш бўйича ўз фикрларини билдириб ўтди.

Хусусан, умумтаълим мактабларини бошқариш амалиётида кенг қўлланиб келинаётган "Директорлар кенгаши" иш тажрибасини мактабгача таълим тизимида ҳам жорий этиш ва бу орқали боғча директорларини тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Талабалар учун
шинам тураржой

Жиззах давлат педагогика университетидида талабалар тураржойи фойдаланишга топширилди. Давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган янги бино 7 қаватдан иборат бўлиб, 600 ўринга мўлжалланган.

Тураржойда талабалар яшаши учун зарур қулайликлар, жумладан, замонавий ошхона, маънавият, заҳоват, IT, кир ювиш ва ювиниш хоналари мавжуд.

Эътиборлиси, бу 1 400 нафар талабани ётоқхона билан таъминлаш имконини бериб, қамров кўрсатишини 21 фойздан 53 фойзга оширди. Бундан ташқари, 2025 йил бошида яна 600 ўринли талабалар тураржойи ишга туширилиб, қамровни 71 фойзга етказиш режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

КУТУБХОНАСИ ВА МУЗЕЙИ БОР ХОНАДОН

Янгигер шаҳридаги Наврўзобод маҳалласининг Зебинисо кўчасидаги 2/1-хонадон оstonасидан кунбўйи одам узилмайди. Бу ерга нафақат шу маҳалла ёки шаҳарда яшовчилар, балки узоқ-яқин манзиллар — пойтахту кўшни Тожикистондан ҳам таниш-нотаниш меҳмонлар тез-тез келиб туради. Гарчи таажжубланарли бўлса-да, айтиш жоиз, ушбу хонадондан одам қадами бу қадар узилмаслигига коронавирус пандемияси сабаб бўлган.

Ибрат

Гап шундаки, меҳнат фахрийси Абдуқул Маматов турмуш ўртоғи Бону опа билан бундан 5 йил олдин Умра зиёратига тарадуд қўриб турган эди. Аммо пандемия туфайли мазкур ибодат сафари тўхтатилди. Шунда улар бир режа қилдиларки, зеро, бу хайрли ишлари ҳам кўп савобли эди. Яъни Умра зиёратига аталган маблағ ҳисобига ўз хонадонларида маърифат маскани ташкил этишди. Даставвал кутубхона учун китоблар ва жиҳозлар харид қилинди. Сўнгга маҳалладаги ногиронлиги бор шахслар кутубхонанинг илк фойдаланувчилари сифатида рўйхатга олинди ва улар ўқитиш истаган адабиётларни бевосита уйига етказиб бериш йўлга қўйилди.

— Ҳозир кутубхонамизнинг адабиёт фонди 3 мингдан ошди, — дейди Абдуқул Маматов. — Бунда юртдошларимиз ва кўшни Тожикистондан келатган меҳмонларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Негаки, зиё масканимизни қўришга келган борки, қўлида китоб совғаси бўлади. Хусусан, китоб жавонларимизда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, ҳокимликлар, турли ташкилотлар ва юртимизнинг ўнлаб таниқли кишилари ҳамда ижодкорлари томонидан тўхфа қилинган китоблар бор.

Ушбу хонадон бугун "Бону опа зиё маскани" деб юритилади. Бинобарин, мазкур уйда "Беш муҳим ташаббус" асосида амалга оширилган маданий-маърифий лойиҳалар айни номга жуда муносиб. Масалан, музей ҳам ташкил этилганки, унинг осоратхоналари орасида жуда ноёблари ҳам мавжуд. Музейнинг мазмун-моҳиятида ўзбек хонадони

турмуши, тарихи мавзулари устувор экани эътиборга молик.

— Аукцион орқали маҳалламиз худудидан 6 сотих ер сотиб олдик, — дейди Бону Маматова. — Тез орада бу ерда миллий-меморий услубдаги иморатлар қуриб, унга музейни ҳам жойлаштирамиз. Қуриладиган уйимиз деворида тоқчаю тахмонлар билан бирга хона саҳнида сандал ҳам бўлади. Шуниингдек, "Онахонлар мактаби", "Нуронийлар боғи" ҳам ташкил қилиш режамиз бор.

Янгигерда турли тадбирларни ўтказиш мумкин бўлган мухташам бинолар кўп. Эътиборлиси, гарчи оддий хонадон бўлса-да, "Бону опа зиё маскани" ҳам улар билан бир қатордан жой олган. Яъни бу маъ-



рифат зиёси ўқуриб турган хонадонда тез-тез турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб туради.

Маматовлар оиласи томонидан маҳалладаги ногиронлиги бўлган болалар учун мунтазам равишда йилгига уч марта хайрият тадбири ўтказиб келинаётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Бу ибратли ишларнинг биринчиси Янги йил байрами кунлари амалга оширилаётган саёҳат ҳисобланади. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни — 1 июнда эса маҳалладаги ногиронлиги бор болалар учун байрам дастурхони ёзилади. Сўнгга 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кўнида Тошкент шаҳрига саёҳат ташкил этилади.

Маънавий-маърифий ҳаётдаги

фаол иштироки ва олиб бораётган хайрли, эзгу ишлари учун Абдуқул Маматов "Сирдарё вилоятининг 60 йиллиги", Бону Маматова "Муътабар аёл", "Маънавият фидойиси" кўркрак нишонлари билан тақдирланган. Улар бош бўлган оила эса "Энг ибратли оила", "Энг ибратли хонадон" танловлари ғолиби ҳамдир.

Амалга ошираётган неки эзгу иш бўлса, меҳнат фахрийлари — Абдуқул Маматов ва Бону Маматова уларнинг ҳеч биридан моддий манфаат кўзламайди. Ҳаётда ўз ўрнини топган уч ўғил ва бир қизининг ота-онаси бўлиш бу жуфтликнинг мақсади ягона — кўнгилларни обод қилиш.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

«БАНАН ЎЗИМИЗНИНГ БОҒДАН...»

Норин туманининг Норинкапа қишлоғи омилкор деҳқон ва боғбонлари билан Наманган вилоятида танилган. Унинг этакидан оқиб ўтган дарёнинг мўл-кўл сувида баҳраманд ерларида қай бир дарахт ёки экинни экманг беҳато қўқаради. Қутилгандан аввал ҳосилга кириб, кўнгилни чоғ қилади. Шундан маҳаллий томорқачи ва тадбиркорларнинг иши юришган.

Омилкорлик

— Ҳамқишлоқларимизнинг катта қисми, асосан, ердан барака топаётган инсонлар, — дейди меҳнат фахрийси Зокиржон Игиталиев. — Ёшим етмишдан ошганига қарамай ўзим ҳам гулчилик билан шуғулланаман. Ҳовлимизда мўъжаз плантация барпо қилганман. Ҳам ҳавас, ҳам бизнес, дегандай. Билсангиз, эрта баҳорги редиска дастлаб бизда етилади. Нафақат Наманган, балки пойтахт бозорларини ҳам илгузиди паллада ушбу дармондорчи билан таъминлаймиз. Яқиндан бўён Норинкапа боғларида банан ҳам парвартишланмоқда. Илгари, асосан, четдан келтирилаётган тансиқ мева бугунги кунда маҳаллий фермернинг иссиқхонасида етиштирилатир.

Зокиржон ака тилга олган фермер Музаффар Мўминов ўз кўжалигини бундан ўн етти йил аввал йўлга қўйган. Етти



гектарли боғи сара навли олма, шафтоли, гилос кўчатларига тўла. Барчасининг ҳосилдорлиги юқори, мазаси ҳам шунга яраша. Масалан, хориждан олиб келиб қўлайтирилган "Воловой" навли гилос мевасининг донаси салкам ёнғокдек келади, олтитаси одамни тўйдиради. Мухими, бозорбоп. Жорий мавсумда 5,5 тонна ҳосил йиғиб олган фермер шунинг ўзидан 110 миллион сўм даромад кўтарди. Анжир шафтоли хирмони 10 тоннадан ортиди.

"Музаффар олтин олазори" фермер кўжалиги ерларининг ҳар қаричидан унумли фойдаланилади. Баҳордан кузгача бўлган мавсумда мевали кўчатлар орасига полиз, сабзавот экинлари, қўчатлар жойлаштирилди. Шу йўсинда иш олиб борилади. 50 тонна тарвуз, 15 тонна картошка етиштирилди. Ҳозиргача жами даромад

350 миллион сўмдан ошди. Шунинг ярмидан кўпи соф фойда. Ишчилари сони 9 кишидан иборат унча катта бўлмаган кўжалик учун яхши натижа, шундай эмасми?!

— Боғдорчилик, энг аввало, ерга меҳр, қолаверса, изилниб ишлаш билан баракали, — дейди М. Мўминов. — Бунда, айниқса, мевали дарахтнинг ерга, иклимга мос навини тўғри танлашда гап кўп. Масалан, шафтоли кўчатлари ҳосилга кирган

Қишлоқ тадбиркори кейинги пайтларда ўз маҳсулотларини ички бозордан ортириб, экспортга йўналтира бошлади. Шафтоли, гилос Россияга жўнатиляпти. Бу йил айни йўналишда ҳам 20 минг доллардан кўпроқ савдо қилинди. Маҳаллий бозорда эса Норинкапада етиштирилган бананлар сотувда. Тўғри, уларнинг ҳар бирига хорижники сингари ялтироқ тусдаги савдо белгилари ёпиштирилмаган. Лекин ўзимизнинг боғларда, саҳий заминимизда қуёш тафтидан баҳра олиб пишган, мазаси бошқача, гап шунда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

Ҳиндистон ва Ўзбекистон:

ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ
ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР

21 — 23 ноябрь кунлари пойтахтимизда "Ипак йўлида туризм" ("TITF — 2024") Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтмоқда. Унда Ҳиндистоннинг "Goa Tourism" делегацияси ҳам қатнашмоқда.

Кўргазма

сида Ўзбекистон ҳамда кўшни мамлакатлардан ушбу штатга сайёҳлар оқими ортириш ҳам кўзда тутилган.

Ҳиндистоннинг Гоа штати туризм вазири Роҳан Хаунтедан ушбу кўргазманинг аҳамияти, Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг туризм йўналишидаги ҳамкорлиги, истиқболдаги режалар борасида фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик:

— Ушбу кўргазмада қатнашиш асносида Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти бекиёс эканига яна бир бор амин бўлдим, — дейди Роҳан Хаунте. — Мазкур сайёҳлик ярмаркасида бутун дундан соҳадаги таниқли бизнес вакиллари қатнашмоқда. Биз ҳам ўз имкониятларимизни намойиш этияпмиз. Гоада атиги 1,5 миллион аҳоли яшайди, бироқ ҳар йили қарийб 10 миллион сайёҳлар

бу ерга ташиф буюради. Айни пайтда юртингиздан Деҳли, Мумбай ва Гоага учадиган режали рейслар мавжуд. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик ғоят истиқболли. Келгуси беш йилда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро сайёҳлар алмашинуви янги босқичга олиб чиқишни режалаштиряпмиз.

Ўзбекистондан Ҳиндистонга бораётганларнинг аксарияти тиббиёт туризми вакилларида ва биз уларнинг ўз вақтида даволаниши, шифо топиб, юртингизга соғ-омон қайтиши учун қулайликлар тугдиришга интилоқдамиз. Биз тақдим этаётган йўналишлар ўзбекистонликларнинг Гоага саёҳат қилиб, дам олишлари учун ҳам имконият яратаяди.

Қайд этиш жоизки, яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазирининг учрашуви икки



мамлакат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқмоқда. Жумладан, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг янада кенгайиши ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлади.

Яна бир нарсаси: яқинда Тошкентдан Гоага очилган, ҳафтада икки марта замонавий "Airbus A320 Neo" самолётларида амалга оширилаётган тўғридан-тўғри рейслар пойтахтингизни юртимизнинг яна бир халқаро аэропорти билан боғлади. Ўз навбатида, бу ҳам Тошкент ва Гоа ўртасидаги маданий алмашинуви, борди-келди алоқалари яхшилланиши учун хизмат қилмоқда.

Меҳмондўстлик биз учун асосий тамойил, кўплаб мамлакатлар вакиллари қатори ўзбекистонликларни ҳам ўлкамизда кутамиз.

Элёр ҲАЙДАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Олий таълим муассасаларини тамомлаган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшлар давлат фуқаролик хизматида танловсиз қабул қилинади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопчибасти 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўл ёзмаликлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мазмунини берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойикуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббеов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6